

“ФУТУҲ АЛ-БУЛДОН” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ**Умматалиев Соҳибжон Хикматали ўғли****Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Исломшунослик ва ислом
цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)****тел: +998974455562****<https://doi.org/10.5281/zenodo.14880842>****Annotatsiya**

Ushbu tezis Ahmad ibn Yahyo al-Balazuriyning "Futuh al-buldon" asarining turli qo'lyozma nusxalari haqida batafsil ma'lumotlar keltiradi. Asar VIII-IX asrlarda yashagan mashhur tarixchi al-Balazuriy tomonidan yozilgan bo'lib, arab yurishlari va islomiy fathlar tarixini o'z ichiga oladi. Maqolada asarning dunyoning turli kutubxonalarida saqlanayotgan qo'lyozma nusxalari, jumladan, AQShning Yale universiteti, Niderlandiyaning Leyden universiteti, Buyuk Britaniyaning Britaniya muzeyi va Birlashgan Arab Amirliklarining Dubay shahridagi Juma al-Majid qo'lyozmalar fondidagi nusxalar haqida tahlillar keltirilgan.

Har bir qo'lyozma nusxasining yozilish vaqtiga, kotiblariga, xususiyatlariga va ilmiy ahamiyatiga alohida e'tibor qaratilgan. Maqolada, shuningdek, qo'lyozmalarning zamonaviy nashrlarda qanday qo'llanilganligi va ularning ilmiy tadqiqotlar uchun ahamiyati haqida so'z boradi. Xususan, Yale universitetidagi nusxa eng qadimiy va sifatli qo'lyozma hisoblanadi, ammo zamonaviy nashrlarda unga murojaat qilinmaganligi ta'kidlanadi. Leyden va Britaniya muzeyidagi nusxalar esa asarning zamonaviy nashrlarida asosiy manba sifatida foydalanilgan.

Tezisdagi qo'lyozmalarning tarjimai holi, ularning yozilish uslublari, diakritik belgilar va matnning saqlanish holati kabi jihatlar ham o'rganilgan. Bundan tashqari, qo'lyozmalarning ilmiy tadqiqotlar uchun qanday ahamiyatga ega ekanligi va ularni zamonaviy nashrlar tayyorlashda qo'llash zarurligi ta'kidlanadi. Tezis "Futuh al-buldon" asarining qo'lyozma nusxalarini o'rganish orqali islom tarixi va arab yurishlari haqidagi bilimlarni boyitishga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: Ahmad ibn Yahyo al-Balazuriy, Futuh al-buldon, Qo'lyozma nusxalar, Yale universiteti, Leyden universiteti, Britaniya muzeyi, Juma al-Majid fondi, Arab yurishlari, Islom tarixi, Ilmiy tadqiqotlar, Zamonaviy nashrlar, Qadimiy qo'lyozmalar, Kotiblar, Diakritik belgilar, Matn tahlili.

MANUSCRIPTS OF THE WORK “FUTŪḤ AL-BULDĀN”**Ummataliev Sokhibjon Khikmatali ogli****Lecturer at the Department of "Islamic Studies and the Study of Islamic Civilization
ICESCO," International Islamic Academy of Uzbekistan****PhD in History****+998974455562****Abstract**

This thesis provides detailed information about the various manuscript copies of Ahmad ibn Yahyá al-Balādhurī's work “Futūḥ al-buldān”. Written by the famous historian al-Balādhurī, who lived in the 8th–9th centuries, the work covers the history of Arab conquests and Islamic expansions. The thesis examines manuscript copies of the work preserved in various libraries around the world, including Yale University in the United States, Leiden University in the

Netherlands, the British Museum in the United Kingdom, and the Juma al-Majid Manuscripts Foundation in Dubai, United Arab Emirates.

Each manuscript copy is analyzed in terms of its writing period, scribes, characteristics, and scholarly significance. The thesis also discusses how these manuscripts have been utilized in modern publications and their importance for academic research. In particular, the manuscript at Yale University is noted as the oldest and highest-quality copy, although it has not been referenced in modern editions. The manuscripts at Leiden University and the British Museum, however, have been used as primary sources for contemporary publications.

The thesis explores the biographies of the manuscripts, their writing styles, diacritical marks, and the condition of the texts. Additionally, it emphasizes the importance of these manuscripts for scholarly research and the necessity of using them in preparing modern editions. By studying the manuscript copies of “Futūḥ al-buldān”, this thesis contributes to enriching knowledge about Islamic history and Arab conquests.

Keywords: Aḥmad ibn Yaḥyá al- Balādhurī, Futūḥ al-buldān, manuscript copies, Yale university, Leiden university, British Museum, Juma al-Majid foundation, arab conquests, islamic history, academic research, modern publications, ancient manuscripts, scribes, diacritical marks, textual analysis.

Тарихий қўлёзма асарларни ўрганиш ва уларни замонавий кўринишда чоп эттириш илмий-тадқиқот ишларининг ривожини учун хизмат қилиб, илмий манбадан фойдаланиш имкониятини оширади.

Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий тарафидан ёзилган “Футуҳ ал-булдон” асарининг бир неча қўлёзма нусхалари бугунги кунгача етиб келган бўлиб, улар жаҳоннинг турли қўлёзма фондларида сақланади. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтилади.

Асарнинг Америка қўшма штатларининг Нью Хавен шаҳридаги **Яле** университети кутубхонасида сақланаётган нусхаси X асрда кўчирилган бўлиб, қадимийлиги билан бошқа нусхалардан ажралиб туради. У университетнинг Беинеске нодир китоблар ва қўлёзмалар кутубхонасидаги араб қўлёзмалари тўпламидан ўрин олган. Қўлёзма ҳақида Фуат Сезгин (1924-2018) “Geschichte des arabischen Schrifttums” (“Араб ёзма манбалари тарихи”) асарида маълумот берган¹. Сезгин таъкидлаганидек, қўлёзма Ландберг МСС 33 шелф белгиси билан каталогланган. Чунки у швед шарқшуноси граф Карло Ландберг (1848-1924) томонидан тўпланган қўлёзмалар таркибида бўлган. 1900 йили Америка миллий тарихи музейи директори М.К.Жессап (1830-1908) К.Ландбергдан қўлёзмаларни сотиб олган ва Яле университетига совға қилган².

Мазкур қўлёзма нусха қадимийлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, унда колофон мавжуд эмас. Китобнинг 1а саҳифасида “Зайл ат-Табарийнинг муаллифи ал-Фарғоний хати билан” деган жумла келтирилган. Қўлёзманинг котиби машҳур тарихчи Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг шогирди Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Фарғоний (ваф. 973) бўлиб, ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва ал-мулук” асарига

¹ Sezgin, Fuat. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Leiden: E. J. Brill, 1967.

² Ryan J. Lynch. Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al- Balādhurī. – London: Bloomsbury publishing, 2020. – P 30.

кўшимча “Зайл тарих ат-Табарий” номли асар ёзган³. Котибнинг яшаган даври асарнинг Х асрда кўчирилганлигига далолат қилади.

Кўлёзма насх ёзувида бўлиб, саҳифанинг аксарият қисмини эгаллаган ва жуда зиж шаклда ёзилган. У 96 варақдан иборат ва уларнинг аксарияти шикастланган. Хусусан, айрим саҳифаларнинг чети йиртилган ҳамда муқовадан ажраган.

Бугунги кунгача “Футуҳ ал-булдон” асарининг замонавий нашрлари бир неча маротаба чоп этилган бўлса ҳам уларда мазкур кўлёзмадан истифода қилинмаган. XX аср бошида Яле университетида фаолият юритган машҳур тарихчи ва археолог Чарлз Торри (1863-1956) янги сотиб олинган Ландберг коллексиясидаги баъзи ноёб асарларни қисқача сарҳисоб қилар экан, “Футуҳ ал-булдон” асари кўлёзмаси ҳақида шундай деган эди: “Ландберг коллексиясида Балазурийнинг “Футуҳ ал-булдон” номи билан машҳур бўлган энг қадимий ва энг яхши кўлёзмаси мавжуд... Асар аллақачон нашр этилган, бу ҳақиқат; лекин тез орада унинг янги наشري чиқади ва бунинг учун бизнинг кутубхонамиздаги кўлёзма асос бўлиб хизмат қилади”⁴.

Эҳтимол, асарнинг Яле нусхаси ва бошқа нусхалар ўртасида кескин фарқнинг мавжуд эмаслиги унга мурожаат қилинмаслигига сабаб бўлгандир. Шундай бўлса-да “Футуҳ ал-булдон” асари устида илмий изланиш қилаётган тадқиқотчилар учун ушбу қадимий кўлёзма алоҳида аҳамият касб этади.

Асарнинг Яле нусхаси замонавий нашрларни тайёрлашда эътибордан четда қолган бўлса-да, унинг **Лейден**⁵ университети кутубхонасида сақланаётган нусхаси бир неча нашрларда фойдаланилган. Ушбу кўлёзма кутубхонада инв. N 430 рақами остида бўлиб, 274 та варақдан иборат. Лейден кўлёзмаси бошқа нусхалардан йирик хат турида ёзилганлиги ва сатрлар орасининг катталиги билан ажралиб туради. Унда араб ёзувидаги диакритик белгиларнинг аксари мавжуд эмас, лекин баъзи ўринларда сўзларнинг маъносида тушунарсизлик юзага келмаслиги учун нуқталар қўйилган. Бироқ бу ҳолат ҳар доим ҳам кузатилмайди. Боб сарлавҳалари, **قَالُوا** (“улар айтдилар”) каби кириш иборалари ва айрим ўринларда ўқувчининг этиборини жалб қилиш учун боб таркибидаги кичик мавзулар ҳам қизил сиёҳда ёзилган. Хусусан, Шом шаҳарлари бобидаги “Қайсариянинг забт этилиши” мавзуси шу шаклда келган⁶.

Кўлёзма охирида китоб Аҳмад ибн Ниъма ал-Муқаддасий (1179-1270)⁷ томонидан ҳиж. 613-йилнинг 10-Муҳаррамида (мил. 1216-йил 29-апрел) кўчирилганлиги ҳақидаги қисқача колофон бор⁸.

“Футуҳ ал-Булдон” кўлёзмаларидан яна бири Лондондаги **Британия** музейи коллексиясида сақланади. У инв. N 23264 рақами остида бўлиб, у ҳақидаги маълумотлар

³ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Удабо. – Байрут: Дар ал-Ғарб ал-Исломи, 1993. – Б. 1493; Шамсуддин аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-Нубала, Ж. XII. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2006. – Б. 210.

⁴ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al- Balādhurī. – P 30.

⁵ Лейден — Нидерландиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар, жанубий Голландия провинсиясида жойлашган.

⁶ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al- Balādhurī. – P. 27.

⁷ Аҳмад ибн Ниъма ал-Муқаддасий – Котиб ва муҳаддис бўлган. Дамашқда яшаб, ижод қилган. У ўз кутубхонасида кўплаб тарихий асарларни жамлаган. Ал-Муқаддасий чиройли ҳуснихат билан китобларни кўчирган. Шу билан бирга китобат санъатида ўзига хос маҳоратга эга бўлиб, кўплаб китобларни кўчиришга муваффақ бўлган. У эллик йилдан зиёд котиблик фаолияти давомида икки минг жилд китобни қозоғза туширган.

⁸ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al- Balādhurī. – P 27.

Уилям Куретон (1808-1864) ва Чарлз Риу (1820-1902) томонидан 1871-йилгача бўлган араб қўлёзмалари каталогига киритилган⁹. Қўлёзма Лейден нусхасидан майда хат турида ёзилганлиги билан фарқланиб туради. У 101 та варақдан иборат бўлиб, Лейден қўлёзмасидан кўра кўпроқ диакритик белгиларни ўз ичига олган. Шунинг учун асарнинг 1866 йилдаги нашрини тайёрлаган Михаил Ян Де Гук (1836-1909) Британия музейи қўлёзмасининг сифатини Лейдендаги қўлёзмага нисбатан ижобий баҳолайди. Каллофонда қўлёзманинг ҳиж. 851 (мил. 1447) йилда Иброҳим ибн Умар ал-Бақоий (1407-1480)¹⁰ тарафидан кўчирилганлиги ҳақида маълумот берилган.

Қўлёзма матнidan Ал-Бақоийнинг фақат котибгина эмас, балки ислом тарихига бўлган қизиқишини ҳам билиш мумкин. Чунки у Абул-Қосим Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам ал-Мисрий (803-871)нинг “Футуҳу Миср ва ал-Мағриб” асаридан иқтибос келтиради. Хусусан, қўлёзмадаги “Андалуснинг забт этилиши”га оид бўлим тўғридан-тўғри ибн Абдулҳакамнинг асаридан ўзига хос услубда кўчирилган¹¹.

“Футуҳ ал-Булдон”ни 1956 йили Қоҳирада нашр эттирган тарихчи Салоҳиддин ал-Мунажжид (1920-2010) асарни тадқиқ қилиш жараёнида унинг Қоҳирадаги “Дар ал-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонаси Таймур коллекциясида ҳам қўлёзма нусхаси мавжуд эканлигини қайд этган. Бироқ у “Футуҳ ал-булдон” деб номланган бўлса-да, муаллифи Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий бўлмаган. Шунингдек асарда Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийдан нақл қилинган ривоятлар келтирилган¹². Ал-Мунажжид ушбу қўлёзма Балазурий асари эмаслигини билган, лекин унинг муаллифи ҳақида маълумот бермаган. Қоҳирада сақланаётган мазкур тўлиқ бўлмаган қўлёзманинг номи нотўғри бўлиб, аслида Сулаймон ибн Мусо ал-Килоий (1170-1237)нинг “ал-Иқтифаъ фи мағозий ал-Мустафа” (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юришлари ҳақида кифояли билим) асари эканлиги Оксфорд университети тарихчиси Рян Ланч томонидан аниқланган ва “Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futūḥ al-buldān of al-Balādhurī” (Араб юришлари ва илк ислом даври тарихшунослиги Балазурийнинг Футуҳ ал-булдон асари асосида) номли монографиясида бу ҳақида айтиб ўтган¹³.

Ал-Балазурий асарининг яна бир қўлёзма нусхаси Бирлашган араб амирликларининг **Дубай** шаҳрида жойлашган Жума ал-мажид қўлёзмалар фондида инв. N 247615 рақами остида сақланади. Фонднинг интернет сайтида қўлёзма 119 саҳифадан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган¹⁴. Лекин унинг котиби ёки нечинчи асрга мансубдиги ҳақида маълумот берилмаган.

Демак, Асарнинг бугунги кунда Америка қўшма штатларининг Нью Хавен, Буюк Британиянинг Лондон, Нидерландиянинг Белгия, Бирлашган араб амирликларининг Дубай каби шаҳарларида қўлёзма нусхалари мавжуд. Улардан Лейден ва Британия

⁹ Cureton, William, and Charles Rieu. Catalogus codicum manuseriptorum orientalium qui in Museo Britannico asservantur: Pars secunda, codices arabicos. – London: Impensis cutatorum Musei Britannici, 1846–1871.

¹⁰ Иброҳим ибн Умар ал-Бақоий XV асрнинг кўзга кўринган олимларидан бири бўлиб, фикҳ, араб тили грамматикаси, тафсир, ислом тарихи каби илмларни эгаллаган. У ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Абул-фазл ал-Мағрибий, Аъло ал-Қалқашандий каби машҳур муҳаддислардан илм олган.

¹¹ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Balādhurī. – P 30.

¹² Балазурий. Футуҳ ал-булдон / муқаддима ан-ношир. – Қоҳира: Мактаба ан-наҳда, 1956. – Б. 25.

¹³ Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Balādhurī. – P 32.

¹⁴ http://www.almajidcenter.org/ar/material_details.php?bid=247615.

кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари асарнинг замонавий нашрини тайёрлаш учун фойдаланилган. Асарнинг Яле университети нусхаси бошқаларига қараганда қадимийроқ бўлса ҳам негандир ҳали унга мурожаат қилинмаган. Бу эътибордан четда қолган нусхани ҳам тадқиқ этиб, илмий истифодага киритиш, бугунги кунгача замонавий нашрлар устида амалга оширилган тадқиқотларни янада бойитишга хизмат қилган бўлар эди.